



NEW SURFACE ANTIPIRENE FOR FIRE EXTINGUISHING AT PUMP STATIONS OF OIL STORES

Zhumaev S. K.

Senior Lecturer of the Department of Emergency Medical Services,
jura.bek.1988@mail.ru, +998973445450

Pulatov O. R.

5th year cadet Academy of the Ministry of Emergency Situations

Annotation

The article analyzes environmentally friendly and highly effective modifications of oligomeric flame retardants brands ADj-1, ADj-2, ADj-3, ADj-4, ADj-5 and ADj-6, and also compares them with other foreign similar substances. The stability is good.

Key words: fire, foam, oligomer.

Аннотация

Ушбу мақолада экологик хавфсиз ва юқори самарадорликга эга бўлган қўпик ҳосил қилувчи АДж-1, АДж-2, АДж-3, АДж-4, АДж-5 ва АДж-6 маркадаги олигомер антиприренларнинг модификациялари таҳлил қилинган ва бошқа хорижий шу каби моддалар билан солиштирилганда унинг барқарорлиги яхши эканлиги кўрсатилган.

Аннотация

В статье анализируются экологически безопасные и высокоэффективные модификации олигомерных антиприренов марок АДж-1, АДж-2, АДж-3, АДж-4, АДж-5 и АДж-6, а также проводится сравнение с другими зарубежными аналогичные вещества.стабильность хорошая.

Калит сўзлар: ёнғин, қўпик, олигомер.

Ключевые слова: огонь, пена, олигомер.

Статистик маълумотларга қараганда, Дунё бўйича йилига 8 млн атрофида ёнғинлар содир бўлиб, бу ёнғинлар натижасида 20% дан ортиқ бино ва иншоотлар фойдаланиб бўлмас ҳолатга келади. Албатта, бино ва иншоотларда содир бўлган



ёнғинларни ўз вақтида бартараф қилиш мақсадида бир қанча кимёвий воситалар ишлаб чиқарылмоқда. Уларнинг ичида қўпик (сирт-актив модда) ҳосил қилувчи бирикмаларнинг ёнғинга қарши самарадорлиги юқори ҳисобланади.

Бино ва иншоотларнинг айрим қисмларини ёнғинга қарши моддалар билан ишлов бериш ва ишлов беришда ишлатилувчи композицион материалларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳамда фииқ-кимёвий хоссаларини яхшилаш, структура ҳосил қилиш жараёнини ростлаш учун синтетик олигомерлар асосида қўпик ҳосил қилувчи моддалар билан модификаторлар олиш ёнғин хавфсизлиги соҳасида долзарб муаммолардан бири ҳисобланади [1].

Сўнгги йилларида республикамида мавжуд бино ва иншоотларда қўлланилиши учун турли таркибли оловбардош қурилиш материаллари олиш ва тайёрлашда ҳамда полифункционал таъсирга эга органик модификаторлар қўллаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, муаллифларнинг саъй-ҳаракати билан турли объектларда ёнғинларни ўчиришда қўлланиладиган сифатли қўпик ҳосил қилувчи бирикмаларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш борасида муайян натижаларга эришилди.

Маълумки, қўпиклар - ёнғинни ривожланишини фаол пасайтирувчи юқори самарадорликга эга бўлган кимёвий восита ҳисобланади. Ёнғиндан ҳимояловчи қўпикларнинг асосий хоссалари уларнинг дисперслиги ва барқарорлиги ҳисобланади. Қўпик ҳосил қилувчи моддаларни олиш ва тадбиқ қилиш маҳаллий шароитда ўта муҳим амалий муаммолардан бири ҳисобланади. Қўп ҳолларда эса қўпикларни электр ўтказувчанлиги ва ҳарорат ўтказувчанлиги ҳам муҳим ҳисобланади [2].

Стандарт ҳолдаги сирт-актив моддалардан асосан ёнғинларни ўчириш учун мўлжалланган қўпиклар олишда фойдаланилади. Уларнинг сувли эритмасида асосан 25-30% сирт фаол моддалар, шу билан бирга айрим хусусиятга эга бўлган қўшимчалар мавжуд бўлади. Қўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг кўриниши ва техник хоссалари, ёнғинларни тезда ўчиришда катта аҳамият касб этиб, улар стандарт ва ГОСТ талабларга мос бўлиши шарт, албатта.



1-расм. Қўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг кўриниши.



Муаллифлар томонидан яратилган кўпик ҳосил қилувчи моддалар асосан алькилсульфонат натрий асосида олинган бўлиб, унга турли қўшимчалар қўшиш орқали самарадор хоссалар оширилди ва хориждан келтирилган шу турдаги кўпик ҳосил қилувчи моддалар билан солиширилди. Солишириш натижалари қўйидаги жадвал ва диаграммада кўрсатилди.

1-жадвалда олинган кўпик ҳосил қилувчи моддаларни физик – кимёвий хоссаларини уларни дистирланган, ичимлик ва оқова сувлардаги эритмалари таҳлил қилинган.

1-жадвал Кўпик ҳосил қилувчи модда ва мавжуд турли сувлардаги эритмаларининг сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичларни номланиши	Алькилсульфонат натрий
Дистирланган сув	
Ташқи кўриниши	Тиниқ кўринишдаги чўкмаси йўқ суюқлик
Водород кўрсаткичи, pH	6,5-8,5
Ичимлик суви	
Ташқи кўриниши	Тиниқ кўринишдаги чўкмаси йўқ суюқлик
Водород кўрсаткичи, pH	6,5-8,5
Оқава сув	
Ташқи кўриниши	Тиниқ кўринишдаги чўкмаси йўқ суюқлик
Водород кўрсаткичи, pH	6,5-8,5

1-жадвалдан кўриниб турибдики, кўпик ҳосил қилувчи моддани дистирланган, ичимлик ва оқова сувларига меъёр бўйича қўшилганда бир хил натижага яъни, уларнинг водород кўрсаткичи 6,5-8,5 ни ташкил қилди.


Шунингдек, қўйида Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган кўпик ҳосил қилувчи “Сибиряк Универсальный” ва “Мультипена” моддалар ҳамда “Терминус” ва “Огнебиошит” маркали антипренларни модификациясининг натижалари, таклиф қилинаётган алькилсульфонат натрий ва АДж-1, АДж-2, АДж-3, АДж-4, АДж-5 ва АДж-6 маркадаги олигомер антипренларнинг модификациялари таҳлил қилинди ва солиширилди. Модификацияланган ёнғиндан ҳимояловчи кўпикларнинг барқарорлиги қўйидаги жадвалда кўрсатилди.

2-жадвал Модификацияланган ёнғиндан ҳимояловчи кўпикларнинг барқарорлигини аниқлаш

Таркиби	Кўпикларни барқарорлиги, мин
Сибиряк Универсальный – Терминус	15
Мультипена – Огнебиошит	12
Алькилсульфонат натрий – АДж-1	10
Алькилсульфонат натрий – АДж-2	15
Алькилсульфонат натрий – АДж-3	10
Алькилсульфонат натрий – АДж-4	14
Алькилсульфонат натрий – АДж-5	18
Алькилсульфонат натрий – АДж-6	14



Модификацияланган ёнғиндан ҳимояловчи кўпикларни барқарорлигини аниқлаш



Лаборатория ва таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, яратилган ёнғиндан ҳимояловчи кўпик ҳосил қилувчи моддалар хориждан келтириладиган шу турдаги моддалар билан яққол рақобатбардош эканлиги аниқланди ва шу билан биргаликда кўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг барқарорлиги, экологик ва иқтисодий самарадор эканлиги илмий текшириш натижалари асосида аниқланди. Шундай қилиб, ушбу экологик хавфсиз, ёнғинни ривожланишини фаол пасайтирувчи ҳамда юқори самарадорликга эга бўлган кўпик ҳосил қилувчи моддаларни ўта муҳим ва тоифаланган масканларда ишлатилиши ушбу объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <http://www.ogneportal.ru/news/russia/7891.21.07.2016> Джон Уилсон, специальный автор.
2. Е.В. Гайнуллина. Исследование возможности повышения кратности огнетушащих пен на основе стандартных пенообразователей путем использования различных модифицирующих добавок. Пожаровзрывобезопасность 2015г ТОМ 24 №10. С-75-79.